O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 20 август, шанба • № 67 (11.766) • Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг 14 йиллиги

Ҳар бир кун бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақилликнинг 14 йиллиги нишонланадиган дамларга яқинлаштираяпти. «Халқимизнинг бу миллий байрами Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотда қандай кутиб олинмоқда?» – «Тошкент ҳақиқати» мухбири бошқармалар, йирик корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарларига мурожаат қилиб, жойларда тантаналарга тайёргарликнинг бориши билан қизиқди. Қуйида мамлакат мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг раиси Карим Ваҳобовнинг жавобларини ўқийсиз.

МУНОСИБ ЎҒЛОНЛАРИНГМИЗ, ЎЗБЕКИСТОН!

— Ҳурлгимиз ва озодлигимиз байрамини ўн тўртинчи марта нишонлаш арафасида турибмиз, — деди Карим Ваҳобович. — «Ватанпарвар» ташкилотининг бош вазифаси чақириқ ёшидаги йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаб, мамлакат Қуролли Кучларида ислоҳотларнинг изчил амалга оширилишига кўмаклашишдан иборат. Ҳарбий-спорт клублари ва мактабларимизда йигитлар оммавий мутахассисликларни эгалламоқдалар. Спортнинг ҳарбий-техникавий турлари оммалаштирилиб, ёшлар жисмоний чиниқтирилмоқда.

Биз ёшларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларимизни вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, мудофаа ишлари бошқармалари, ёшлар ва болалар ташкилотлари, турли жамғармалар билан яқин ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Спортнинг оммавийлигига эътиборни кучайтириб, турли мусобақалар, фестиваллар, учрашувлар ўтказмоқдамиз. Байрам яқинлашгани сари бу тадбирларимиз тобора тиғиз тус олмоқда. Чунончи, шу йилнинг биринчи ярмида вакилларимиз ўнта вилоят ва учта республика мусобақаларида иштирок этган бўлишса, кейинги икки ой ичида бешта оммавий спорт мусобақалари ўтказишни мўлжаллаётирмиз.

Самарқандда чақирилувчи ёшлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича республика биринчилиги куни кеча якунланди. Терма жамоамиз аъзолари унда вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишди. Эртаиндин Чирчиқ шаҳрида триатлон, Ўртачирчиқ туманидаги «Аранчи» аэродромида спортнинг радио орқали бошқариладиган ва эркин учар авиамодел турлари бўйича Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар, яқин ҳафталар ичида картинг бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтади. Бу тадбирлар ёшларни чиниқтириб, уларнинг спорт салоҳиятларини белгилайди, байрам юқори савияда, халқчил ва йигит-қизларнинг кенг иштирокида ўтишини таъминламоқда.

Шу арафа кунлари вилоятимиз ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва чегара постларида миллий истиқлол ғоялари тарғиботи, Ватанга садоқат тарбиясига йўналтирилган тадбирлар ҳам ўтказаяпмиз. Улар асосан «Миллий армиямиз — Ватанимиз тинчлигининг мустаҳкам кафолатидир» умумий шиори остида ташкил этилаётир. «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликдаги бу тадбирлар аскар ва офицерларни Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидай сақлашга доимо тайёр туриш руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида байрамга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Яқинда Ангрен шаҳрида бўлиб, шу борадаги ишлар билан танишдим. Аввало, шахта ва кўмир разрези, бошқа корхона ва ташкилотларда одамлар кўтаринки кайфиятда меҳнат қилишаётганлигини таъкидламоқчиман. Байрам арафасида эски Жигаристон қишлоғи, Ниёзбош ва Лашкерекда аҳоли билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб баҳо бермоқдалар, мустақиллигимизга таҳдид солаётган халқаро экстремистик ва террорчи кучларнинг кирдикорларини кескин қоралаётирлар. «Сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон!» — арафа кунлари ўтаётган барча тадбирларда шу қатъият рўй-рост намоён бўлаяпти.

Август — пахтачиликда ҳал қилувчи ой



Ихтиёр ПИРМАНОВ:

ҲОСИЛНИ ҲАШАРОТГА ОЛДИРИБ ҚЎЙМАЙМИЗ

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг республика фермерларига Мурожаатида август ойида ғўзага ишлов бериш жараёнида асосан тўртта муҳим агротехник тадбир – камида икки марта суғоришга улгуриш, қатор ораларини вақтида ва сифатли юмшатиш, ғўза шохлари учини чилпишни табақалаштирилган тартибда давом эттириш, ҳосил зараркунандаларига қарши тинимсиз кураш олиб бориш, бунда кўпроқ биологик усулдан фойдаланиш зарур эканлиги таъкидланган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, тўрттала агротехник тадбир ҳам бор ҳосилни сақлаб қолиш ва салмоғини оширишга хизмат қилади.

Масалан, августда ғўзани сувга қондириш тадбирини олиб кўрайлик. Бу даврда ҳосил тугунчалари шаклланиб бўлади ва ғўза сувга текис қонса, майда кўсаклар тез йириклашади, йириклари эса янада тўлишади. Эгатларда намлик тобига келганда ўтказилган культивация ҳам ҳосил салмоғига хизмат қилади. Биринчидан, қатор оралари вақтида юмшатилганда намлик узоқроқ сақланиб туради. Бу эса ғўзанинг тупроқ таркибидаги озуқалардан баҳраманд бўлиши ва тўлиқ ўзлаштиришига ёрдам беради. Иккинчидан, культивация жараёнида ғўзага яхши шамол тегиб, яйрайди, модда алмашуви жадаллашади, ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормайди.

Ғўза шохларининг учи вақтида чилпилса, суғориш ва сифатли культивация ёрдамида тупроқдан ғўза танасига инаётган бутун озуқа моддалари ҳосил тугунларига боради, кўсаклар тез тўлишади ва эрта етилади.

— Биз ҳозир мавжуд куч ва имкониятларимизни юқорида таъкидлаб ўтилган ана шу учта муҳим агротехник тадбирни вақтида ва сифатли ўтказишга сафарбар этяяпмиз, — дейди Қуйичирчиқ туманидаги «Тараққиёт» фермер хўжалиги раҳбари Ихтиёр Пирманов. — Тўртинчи муҳим тадбир — зараркунандаларга қарши кураш масаласида эса, хотиржаммиз. Чунки, бизда ҳосил кушандалари йўқ. Зеро, асл фермер машаққат билан етиштирган ҳосилини ҳашаротга олдириб қўймайди.

Фермернинг даласини айланиб, у ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Ғўзалар дуркун, соғлом. Гектарига 110 минг туп ғўза, ҳар тупда эса, 15 тагача йирик кўсак бор. Шунинг учун ўтган йили 32 центнердан ҳосил кўтаришган бўлса, бу йил 35 центнерни мўлжаллашаяпти. Ҳатто, олинажак даромадни ҳам ҳозирдан ҳисоб-китоб қилиб қўйишибди. Айтишларича, пахтанинг ўзидан камида 32 миллион сўм соф даромад кўришлари аниқ. Буни аъзолар ҳозир ўртача 45-50 минг сўмдан ойлик маош олиб ишлаётганидан ҳам билиш мумкин.

Маълумки, иш ҳақидан кўнгли тўқ одам сидқидилдан меҳнат қилади. Айни кунларда фермер хўжалиги пахтазорларида шундай меҳнат жараёнини кузатиш мумкин. 45 гектар майдондаги ғўзага ҳозиргача саккиз марта ишлов берилиб, уч марта сувга қондирилган бўлса-да, сувчи ва механизатор кечаю кундуз тинишмайди. Бўронбой Алимов, Бектой Мўминов ёнларига ёрдамчиларни олиб, асосан тунда сув тарашяпти. Даврон Нишонов тракторига тин бермай, қатор ораларини пешма-пеш юмшатмоқда. Гектар ҳисобига 5 тоннадан гўнг тайёрланиб, карта бошларидаги ҳандақлар орқали шарбат қилиб оқизиляпти.

Ихтиёр Пирмановнинг ўзи бош бўлиб, асосий сувчи ва механизатор августнинг бошидан буён далада тунашяпти.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *фермер Ихтиёр Пирманов пишиб етилаётган ҳосилдан мамнун.*

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида уруғлик учун экилган ғўза парваришини намунали ташкил этиш, ҳосил йиғим-теримига алоҳида тайёргарлик кўришга бағишланган вилоят ўқув-машғулоти бўлиб ўтди.

УРУҒЛИК ПАХТАГА АЛОҲИДА ПАРВАРИШ

Тадбирда вилоят ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбар ва мутахассислари, уруғчилик хўжаликлари раислари ва бош ҳосилотлари, фермер хўжаликлари бошлиқлари, пахта тозалаш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Машғулотлар жараёнида илғор уруғчилик хўжаликлари тажрибаларини оммалаштириш, уруғлик пахта йиғим-теримини ташкил этиш юзасидан мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, ўртага ташланган таклиф ва тавсиялар қизғин муҳокама этилди.

Мактаб ярмаркаси

Ҳадемай болажонларимиз орзиқиб кутган янги ўқув йили ҳам бошланади. Ота-оналар, ўғил-қизлар мавсумга алоҳида тадорик кўришмоқда.

ҲАММАСИ ФАРЗАНДЛАР УЧУН

Айни кунларда жойларда мактаб ярмаркалари ташкил этилиб, харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Ҳозир вилоятда 42 та ана шундай савдо ярмаркалари ишлаб турипти. Бундан ташқари савдо дўконларида 50 дан зиёд мактаб ярмаркалари бўлимлари ҳам фаолият юритмоқда.

Ўғил-қизларни ўқув қуроллари, кийим-кечак ҳамда дарслик китоблари билан таъминлаш мақсадида вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси нашриётлар ва бошқа ташкилотлар билан шартнома тузиб, ярмаркалар фаолиятини узлуксиз йўлга қўйган. Шартномаларга мувофиқ савдо мавсумида харидорларга 40 миллион 202 минг сўмлик турли маҳсулотлар етказилиши кўзда тутилиб, шу кунгача мактаб бозорлари ва унинг бўлимларида 35 миллион сўмлик савдо ишлари қилинди.

Бугунги кунда савдо расталарида ўқувчилар учун 20 турдан зиёд ўқув қуроллари, 12 турдан зиёд кийим-кечаклар, бир-биридан сифатли ва бежирим пойабзал ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар сотилмоқда.

Саид ҲАСАНОВ.

Изчил ислоҳотлар йўлида

У ТЎСИҚЛАР ЭНДИ ЙЎҚ

Янгийўл туманидаги «Мавлонов» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ўз фаолиятини 1995 йилдан бошлаган. Роппа-роса 10 йиллик тарихга эга ушбу даргоҳнинг овозаси нафақат туман, балки вилоятнинг қўплаб ҳудудларигача етиб борди.

Сифатли, арзон ва замон талабларига мос маҳсулотлар, мижозлар билан янгича муносабат, рақобатбардошлик хусусиятлари ривож учун замин яратмоқда. Фирмада консерва маҳсулотлари, қиём, мева шарбатлари, компот, жем ва мураббо, тузламалар, жами 15 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

— Шу йилнинг 18 июнь санаси жамоамиз учун унутилмас кун бўлиб қолиши шубҳасиз, — деди фирма раҳбари Қосим Раҳматуллаев. — Чунки шу куни матбуот саҳифаларида Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чоп этилди. Бу вақтгача элим корига ярай, ҳалол меҳнатдан топган бир сўмим икки сўм бўлсин деб, елиб-югурган қанчаданқанча тадбиркорлар турли-туман тўсиқларга дуч келишарди. Текшир-текширлар, назорат органлари ходимларининг нимага кераклигини ўзлари ҳам тушуниб етмайдиган ҳужжатларни талаб этишлари кўп ташвиш келтирарди. Мана, ниҳоят, кўкрагимизга шамол тегди. Президентимиз томонидан соҳага кўрсатилаётган эътибор келгусида ўз мевасини бермасдан қолмайди.

Ҳозирги кунда фирма цехларида 20 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан бир кунда бир ярим минг банка маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Фирма жамоасининг келгусидаги режалари хорижлик ҳамкорларни жалб этиш, замонавий техника ва технологияларни ўрнатиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги ишчи ўринларни яратишдир.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

БАҲРАЙНГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Агар иккинчи бўлимдаги ҳужумкор ўйинлар серияси плей-оф баҳсларида ҳам шундай давом этса Германия яшил майдонларигача етиб боришимиз шубҳасиздир

2006 йил Германияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари Осиё минтақаси ўйинларининг иккинчи гуруҳ учрашувлари ниҳоясига етди. Минтақамиздан Япония, Эрон, Саудия Арабистони, Жанубий Корея терма жамоалари «Германия — 2006»да қатнашиш ҳуқуқини муддатидан олдин қўлга киритганди. Плей-оф баҳсининг иккинчи иштирокчиси Ўзбекистон-Қувайт учрашувида аниқланиши керак эди.

Шу учрашувдан сўнг уч кун ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз ўйин тафсилотлари ишқибозлар оғзидан тушгани йўқ. Боиси, терма жамоамиз бу ўйингача ўз гуруҳида бирор марта ҳам ғалаба қозонмаганди. Биринчи учрашувда ўз майдонларида Саудия Арабистони билан очколарни бўлишиб олганлари, сафардаги икки кетма-кет мағлубиятдан сўнг ҳам асл ўзбек футбол мухлислари футболчиларимизга фақат омад тилаб, нимандир умид қилавердилар. Вакилларимиз Тошкентда Жанубий Корея терма жамоаси билан дуранг натижа қайд этиб, сафарда саудияликларга йирик ҳисобда имкониятни бой берганларида ҳам мухлислар кўзида умид учқунлари ҳали сўнмаганини кўриш мумкин эди. Бунинг исботи тарихасида «Пахтакор» марказий ўйингоҳига 45 минг томошабин йиғилганини таъкидлаш мумкин. Ҳамма фақат ғалаба кутар эди.

Ўйин тафсилотларига келсак, асосий воқеалар иккинчи бўлимда юз берган бўлса-да, биринчи бўлимга тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Учрашув бошланишидан мезбонлар ташаббусни ўз тарафларига оғдириб, ҳаракат қила бошладилар. Бироқ қувайтликларнинг қарши ҳужумлари олдида юртдошларимизнинг ташаббуслари кўзга кўринмай қолди. Фақатгина дарвозабонимиз Евгений Сафоновнинг маҳорати туфайли бироз вақт дарвоза дахлсизлиги таъминлаб турилди.

Биринчи бўлимнинг ўндан бир қисми поёнига етганда, ўйингоҳ узра чўккан сукунат барча ўзбек ишқибозларини изтиробга солди. 16-дақиқада ҳимоячиларимиз хатосидан унумли фойдаланган рақиб ҳужумчиси Сафоновни ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга

(Давоми 4-бетда).

ОСИЁ ПОЛВОНЛАРИ – ЧИРЧИҚДА!

Мамлакатимизда қатор спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақаларини юқори савияда ўтказиш анъанага айланиб қолди. Шунинг учун ҳам дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни ҳақли равишда спорт марказларидан бири сифатида эътироф этади.

Осиё оғир атлетика федерацияси – AWF мамлакатимизнинг юқори савияли ташкилотчилиги, юртимизда қатор спорт турлари каби оғир атлетикани ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинаётганини инобатга олиб, мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами арафасида Ўзбекистонга оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатига мезбонлик қилишни ишониб топширди.

Хотин-қизлар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида йигирмага яқин мамлакатдан икки юз нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

Оғир атлетика дунё бўйлаб кенг тарқалган спорт турларидан ҳисобланади. Полвонларнинг тош кўтариш баҳси юзлаб йиллар муқаддам кўплаб миллатлар тарихида кузатилган. Бироқ, оғир атлетика 1860-1920 йилларда замонавий спорт тури сифатида шаклланди. Бу жараёнда қатор мамлакатларда турли тўгараклар, клублар ташкил этилди, дастлабки қоидалар, мусобақани ўтказиш шарт-шароитлари ишлаб чиқилди, такомиллаштирилди.

15-26 август кунлари Чирчиқ олимпия захиралари коллежида ўтказиладиган Осиё чемпионати эса жаҳон спортининг келажаги порлоқ янги юлдузларини кашф этиши шубҳасиз.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Вилоят ҳаёти

МИЛЛИЙ МАФКУРА ТАРҒИБОТИ

Оҳангарон туманида «Мамлакатимиз мустақиллигининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий аҳамияти» мавзуида анжуман ўтказилди. Воизлар ва бошқа нотиқлар мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига кўтарганлиги, ўз тақдирини ўз қўлига олган халқимиз миллий давлатчиликни мустаҳкамлаб, азалий қадриятларини, урф-одатларини тиклаётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашди.

Қишлоқ ва маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ўтаётган учрашувлар, давра суҳбатлари, мушоиралар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

Олмалиқ шаҳар маҳаллаларида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида тантанали анжуманлар, учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Жумладан, шаҳардаги 41 та маҳаллада байрамолди тадбирлари изчил давом эттирилмоқда. Ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар ҳамда вояга етмаган ёшлар иштирокидаги учрашувларда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, хусусида тўхталиб, юртимизда кечаётган тинчлик-осойишталикни қадрлаш, шунингдек, огоҳлик масалалари хусусида фикрлашиб олинмоқда.

Ўз мухбиримиз.

КОРХОНАДА ШИФО МАСКАНИ

"Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиз қурилишлари учун ҳар йили бир миллион тоннадан зиёд цемент етказиб бермоқда. Айни пайтда маҳсулот қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиняпти.

Сўнгги йилларда олинаётган фойданинг салмоқли қисми ишчи-хизматчиларнинг меҳнат унумдорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш, саломатлиги ва мазмунли ҳордиқ чиқаришини яхшилашга сарфланмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида бу ерда янги шифохона фойдаланишга топширилди.

Янги шифохонада барча шароит муҳайё. Умумий амалиёт шифокори, тажрибали гинеколог, лор, жарроҳ, стоматолог корхона ходимларига хизмат кўрсатади.

ЎзА.

ЭЛ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Ўзбекистон халқ демократик партияси Янгийўл туман кенгаши фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ишсизларни қўллаб-қувватлаш ва кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича партия ташкилотларида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирдилар.

Лекин масалага танқидий назар билан қараладиган бўлса, тумандаги 58 та мактабнинг 6 тасига табиий газ, 8 тасига тоза ичимлик суви, 35 тасига телефон алоқаси етиб бормаган, мактабларнинг 36 тасида спорт заллари, 41 мактабда компьютер хоналари йўқ.

Партия фаоллари йиғилиши қатнашчилари таъкидлаганларидек, агар биз болаларимизни эртага ҳақиқий зиёлилар сафида кўрмоқчи бўлсак, барча мактабларни шу ўқув йили давомида компьютер хоналари билан таъминлаб, уларга замонавий жиҳозлар ўрнатиб беришимиз лозим. Бунда туман ҳокимлигидан тортиб барча ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, ота-оналар, айниқса, халқ демократик партиясининг барча аъзолари фаол иштирок этадилар, деб ишонч билдирилди.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, соғлиқни сақлаш муаммоларини узил-кесил ҳал этишда ҳам жонбозлик кўрсатиш талаб этилади. Чунки, туманнинг кўпгина шифохоналарида педиатр, акушер-гинеколог, умумий амалиёт ва бошқа касбдаги шифокорлар етишмайди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш сифатига ҳам кўплаб эътирозлар учраб турипти.

Шунингдек, анжуманда вилоят партия кенгаши «Наврўз» ва «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳамкорликда тайёрлаган кийим-кечак ва совғалар 60 нафардан зиёд кам таъминланган оилалар ва ногирон болаларга топширилди.

Баҳодир ВАҲОБОВ, ЎзХДП вилоят кенгаши матбуот маркази раҳбари.

МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

ОЛТИ ОЙЛИК САРҲИСОБ

Маълумки, ҳар йили август ойининг учинчи якшанбасида Ҳаво флоти куни кенг нишонланади.

Мазкур касб байрами арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан жорий йилнинг ўтган олти ой мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Компаниядан олинган хабарномада таъкидланишича, ўтган давр мобайнида миллий авиакомпания лайнерлари орқали 788,6 мингга яқин йўловчи ташилган. Йўловчи оқими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга ўсган. Халқаро йўналишларда ҳам иш ҳажми юқорилиги қайд этилган. Бу йўналишда 321,7 минг йўловчи ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 1,2 фоиз кўпдир. Ички йўналишда эса 221,8 минг йўловчига хизмат кўрсатилган, юк ташиш қарийб 10,7 минг тоннани ташкил этган.

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Шу кунларда Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон ёзувчилар ва бастакорлар уюшмалари, Ўзтелерадиокомпания, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ташкил этган мазкур танловнинг якуний босқичи бошланди.

Ушбу тадбир туфайли янги номлар пайдо бўлмоқда, у болалар ва ўсмирлар мусиқа санъатини ривожлантириш учун ҳам маънавий-маърифий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ҳамда турли вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотларда ўтказилган танлов ғолиблари иштирок этмоқда.

Танловнинг финал босқичи ғолиблари эртага Халқлар дўстлиги саройида ўтадиган гала-концертда қатнашади.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ГРАНТ ШАРТНОМАЛАРИ

Пойтахтдаги халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг кичик миқёсдаги ижтимоий лойиҳалар учун беғараз ёрдам дастури доирасида навбатдаги грант-шартномалари имзоланди.

Япония ҳукуматининг мазкур дастури республикамизда таълим тизими ва Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ҳамда аҳоли соғлигини янада яхшилашга қаратилган.

Мазкур грант асосида мактаблар керакли асбоб-ускуналар ва замонавий мебеллар ҳамда спорт инвентарлари билан жиҳозланади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика танлови ҳайъат аъзоларининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди.

Танловга юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатувчи ижодкорларнинг икки мингдан ортиқ ишлари тақдим этилган. Мазкур ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан икки ой давомида ўрганиб чиқилди. Йиғилишда ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланган ижодий ишлар муҳокама этилди.

Кўрик танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

«Туркистон-пресс».

МУСОҲАБА ВА ЎЙИН ШАКЛИДА

Тадбиркорлик ва сиёсат соҳаларидаги ҳуқуқлари ҳақида аёллар нималарни билишлари керак? Уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки салмоғи қандай бўлмоғи лозим?

Паркент туманида ўтказилган «Аёл — тадбиркор, аёл — сиёсатчи» семинар-тренинги ана шу ва бошқа мавзуларни қамраб олди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир мобайнида унинг иштирокчилари мусоҳаба, тренинг, ўйин шаклидаги машғулотлар орқали замонавий фаол аёл билиши лозим бўлган кўплаб тушунчаларни ўзлаштириб олдилар. Хусусан, уларга иш юритиш маданияти, омадга эришишнинг руҳий омиллари, ишчан жамоа тузиш, ҳаракатчан аёл қиёфаси, музокаралар олиб бориш санъати борасида қатор амалий кўникмалар орттириш бўйича ҳам зарур маслаҳатлар берилди.

Тўнғич БЕК.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ экспортбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Муҳими, улар халқаро бозорда ривожланган мамлакатларнинг товарлари билан бемалол рақобат қиляпти. Бироқ бу соҳадаги имкониятлардан янада самарали фойдаланиш мумкин. Бунинг учун айрим муаммоларни ҳал этиш лозим бўлади.

Улардан бири республика корхоналарида сифатни бошқариш тизимларини жорий этишдир. Бундай тизимлар ташқи ва ички бозорларда қурилиш ашёлари ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради, шунингдек, у халқаро андозаларга мос келиши лозим. Шунинг учун ҳозирданоқ қурилиш материалларининг рақобатбардошлиги ва сифатига талабни янада кучайтиришимиз керак. Республиканинг стандарт фондини қайта кўриб чиқишимиз, замон талабларига жавоб бермайдиганларини олиб ташлашимиз, қолганларини халқаро стандартлар билан тенглаштиришимиз, уларни уйғунлаштиришимиз зарур.

Халқаро стандартлаштириш амалиётида қабул қилинган концепцияда ёзилишича — Стандартлар, Синовлар, Инспекция, Метрология, Сертификатлаш ва Аккредитлаш ҳар қандай мамлакатда иқтисодий ривожланиш ва ҳаёт тарзини яхшилаш учун зарур бўлган стандартлаштириш инфратузилмаси деб аталувчи фаолиятлар гуруҳини ташкил этади. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти — ИСО (International Standart Organization — ISO) 1946 йилда дунё миқёсида халқаро товар алмашинуви ва ўзаро ёрдамни стандартлаштириш мақсадида тузилган.

ИСОнинг асосий фаолияти халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни кўнгилли қўллашга қаратилган. Аммо, уларни миллий стандартлаш тизимида жорий этиш ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини, бозорда сотувни ва экспортни кенгайтириш самарадорлиги билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда стандартлаштириш тизими халқаро тажрибаларга, қоидаларга, меъёрларга ва стандартлаштириш амалиётларига, шу билан бирга ўзининг бой тажрибасига таянади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 8 ноябрдаги 492-сонли қарори капитал қурилишда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш хизматларининг замонавий талабларга жавоб беришида кучли туртки бўлди. Қурилиш комплексида охирги уч йилда 14 та ҳудудий стандартлаштириш ва сертификатлаш марказлари аккредитациядан ўтган ва фаолият юритмоқда. Шу билан бирга республикада сертификация тизими органларининг қурилиш соҳасидаги сиёсатини аниқловчи ва мувофиқлаштирувчи марказий сертификатлаш органи тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил июлда «Саноат корхоналарида сифат менежменти тизимини (СМТ) жорий этиш ҳақида» қарор қабул қилди. Бундай сифат менежменти тизимлари ташқи ва ички бозорларда маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади, шунингдек, халқаро андозаларга мос келади. Ҳозирги вақтда нафақат хорижда, балки ички қурилиш бозорларида ҳам буюртмачилар пудратчилардан сифат кафолатини талаб қилишмоқда.

Бизнинг маъмурий кодексда кафолат муддатида аниқланган камчиликлар учун жавобгарлик пудратчига юкланган, шунинг учун ҳам қурилиш ташкилотларига ҳар қандай нуқсон ва камчиликларни ўз вақтида топадиган ва улар пайдо бўлишининг олдини оладиган, яъни буюртмачига турғун сифатни кафолатловчи тизим лозим.

Сифат тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тугагандан сўнг сертификатлаш ишлари бошланиши мумкин ва тизимнинг камчиликларини тузатиш йўналишлари белгиланади. Сертификат аудитининг далолатномасига асосан сертификатлаш органи томонидан уч йилга сифат тизими сертификати берилади.

Қисқача қилиб айтганда, сифат менежменти тизими бу — қурилиш ташкилотининг тегишли фаолият доиралари ва даражаларида белгиланадиган ва ташкилотни бошқариш учун қўлланиладиган мақсадларни ишлаб чиқиш ва уларга эришиш учун ўзаро боғлиқ ва ўзаро муносабатда бўлувчи элементларнинг йиғиндиси сифатида белгиланади.

Сертификатлаш бўйича хизматлар бозори шакллана бошланди дейиш мумкин. Шуни ҳам тан олиш керакки, бозорда қурилиш-монтаж ташкилотларини ва қурилиш индустрияси корхоналарини сертификатловчи ўзимизнинг сертификатлаш органимиз тузилмаган. Бундай органлар қанчалик тез тузилса, шунча яхши бўлади.

Азамат ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

БАҒРИКЕНГЛИК — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ва Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Жамиятимиздаги ҳуқуқий ислоҳотлардан мақсад: инсонпарварлик, бағрикенглик ва адолат» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Семинарни Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси бошқарувининг раиси Ш. Ғуломов қисқача кириш сўзи билан очди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларда янги босқич эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг, ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида батафсил фикр алмашилди, фармонларни бажариш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Янги ўқув йилига шаймисиз?

МАКТАБ УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

— Бу йилги тадорик ҳар йилгидан кўламли, — дейди Оҳангарон тумани халқ таълими бўлими мудири Абдуқаҳҳор Эрназаров. — Мактабларимиз янги ўқув йилига деярли тайёр. 52 та мактаб, 10 та мактабгача тарбия муассасасида 1 сентябрь — Мустақиллик байрами, янги ўқув йилининг бошланиш куни сифатида кутиб олинади. Шу куни 17862 нафар ўқувчи ва 1503 нафар ўқитувчи мактабларимиз бағрини тўлдиради... Тумандаги барча мактаблар 2004-2009 йиллар учун мўлжалланган. «Мактаб-таъмир» умуммиллий дастурига киритилган. Кувонарлиси, 6-, 14-мактабларимиз учун қўшимча бинолар қурилиб, таъмирдан чиқарилди, 5- ва 39-мактаблар капитал таъмирланиб, янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди.

— Иш бор жойда муаммоларнинг бўлиши табиий, — дейди суҳбатдошимиз. — Лекин, иложи борича уларни ҳал қилиш йўлларини топиш бизнинг вазифамиз. Шу маънода, давлатимиз томонидан ажратилган маблағдан ташқари ҳомий ташкилотларнинг беминнат ёрдамларини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунончи, «Бўрон» фермер хўжалиги раҳбари Неъмат Ҳасанов ҳар йили 2-3 тадан мактабни таъмирлашга ёрдам беради. Фермер Абдулла Холтўраев эса бу йил 50-мактаб филиалини тўлиқ таъмирдан чиқариб берди. Бундан ташқари, фарзандларининг келажаги учун жон куйдираётган ота-оналарнинг ёрдами ҳам салмоқли бўлаяпти. Таъмирдан чиққан ҳар бир мактаб туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳнинг назоратидан ўтади, далолатнома асосида қабул қилинади...

«ШУ МАКТАБДА ЎҚИСАМ ДЕЙМАН»

Нўғайқўрғон қишлоғидаги 6-умумтаълим мактабининг ташқи кўринишиданоқ кайфият кўтарилиб, беихтиёр: «Офарин, жуда зўр-ку» деган фикр хаёлдан ўтди.

— Ниҳоят эзгу орзуимизга етишдик, — дейди мактаб директори Наргиза Мамасиддиқова. — Президентимизга раҳмат. Аслида шунақа чиройли бинода ишлаш орзуимиз эди.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз ташаббуси билан мактабларни замон талаблари даражасида янгилаш, реконструкция қилиш ва сифатли таъмирлашга алоҳида эътиборнинг амалдаги исботини ушбу мактаб тимсолида кўрдик, десак муболаға бўлмас. Айниқса, замонга мос, сифатли мебель, замонавий ўқув-тарбия асбоб-ускуналари, спорт анжомлари билан жиҳозланган синф хоналарини айланиб, дилингиз яйрайди.

— Газ билан таъминланган, тоза, озода синф хоналарида ўқийдиган болаларнинг қувончини кўриш қандай мароқли! — Мактаб директорининг ҳаяжони чексиз. — Лекин, бунга осонликча эришилгани йўқ, албатта. «Эскини тузатгунча эсинг кетади», деганлари айни ҳақиқат. Дастлаб қурувчиларнинг қўними бўлмади. Ҳатто, ишни бошлаб қўйиб, кетиб қолган вақтлари ҳам бўлди. «Қурувчи» ва «Бунёдкор» фирмалари, Баҳром Ғафуров, Зуҳриддин Ҳамроқуловларнинг қатъияти, фидойилиги боис, бугун шодлигимизнинг чеки йўқ.

География-биология ўқитувчиси Ҳафиза Сангилова шундай деди:

— Мен 23 йилдан буён шу мактабда ишлайман. Шароит, муҳит бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Дид билан безатилган бундай ораста синф хоналарида таҳсил олаётган болажонлар ҳам нозик дидли, одоб-ахлоқли бўлиб етишиши шубҳасиз. Мен ўз касбим, ишлаётган мактабим билан фахрланаман.

Карима Ҳасанова, тарих фани ўқитувчиси:

— Нимасини айтасиз. Менинг ўқитувчи бўлиб ишлаётганимга 30 йилдан ошди. Пенсия ёшида бўлсам ҳам жондан азиз болажонларни, қадрдон жамоамни тарк этгим йўқ. Қолаверса, биз ўқитувчиларга яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар янада куч-ғайрат билан ишлашга ундайди.

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

Убайд қишлоғидаги 7-умумтаълим мактабига йўл олдик. Соддагина, ораста қишлоқ мактаби...

— Бу ерда 386 нафар ўқувчи ўқийди, 28 нафар ўқитувчи бор. Барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Ўқитувчилар ҳам, дарсликлар ҳам етарли, — дейди мактаб директори Сафаргул Турдиева. — Кўриб турибсиз, мактабимиз биноси анча эски бўлса ҳам, ҳомийларимиз, ота-оналар кўмаги билан баҳоли-қудрат таъмирлаб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйдик. Айниқса, Навоий номли жамоа хўжалиги раҳбарларидан миннатдормиз. Мактабимизнинг янги биносини қуриб битказишда катта ёрдам кўрсатишди. Ҳозир спорт майдончасини тартибга келтириш, жиҳозлашга кўмаклашишяпти.

Қишга кўмир ғамлаб қўйилган, келгусида мактабни газлаштириш режаси ҳам йўқ эмас экан.

— Иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. Сув масаласи танқисроққа ўхшайдими? — сўраймиз ундан.

— Тўғрисини айтсам, сув чиқарадиган мосламаларимиз анча эскириб, яроқсиз бўлиб қолган.

— Ўқувчилар чанқаб қолса...

— Очиғини айтганда, бунинг объектив сабаблари ҳам йўқ эмас. Ўқувчиларга келсак, сувни идишларда уйдан олиб келишади...

Тайёргарлик ишлари билан танишиш пировардида Сафаргул Турдиева ичимлик сув муаммосига қайтиб, янги ўқув йили бошлангунича, бу муаммони ҳал этамиз, деб қўйди. Лекин бу таъкидда ишончсизлик сезилиб турарди.

— Яқин-яқинларда ҳам «Ўқитувчининг маоши нима бўларди?» деб бошқа кўчаларга кириб кетганлар кўп эди. Ҳозир ана шу ўқитувчилар яна ўз иш жойларига қайтиш истагини билдириб, илтимос билан келишмоқда. Ўрта махсус таълим маълумотига эга бўлган 139 нафар ўқитувчи ўқишини давом эттириш учун махсус курсларга ҳужжат топширди. Лекин нафақага чиққан ўқитувчилар ҳисобига инглиз тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжимиз ҳам йўқ эмас, — деди пировардида ходимлар бўлимининг бошлиғи Зуҳра Ўтанова.

Хуллас, Оҳангарон тумани мактаблари янги ўқув йилини интиқлик билан кутмоқда. Тайёргарлик ишлари эса, давом этмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: *Оҳангарон туманидаги қурилиши тугалланган 6-умумтаълим мактабининг топширилиш пайти.*

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

XXI аср ва ДУНЁ

«ҚОРА ҚУТИ» НИМА ДЕРКИН?

ВЕНЕСУЭЛАда West Caribbean Airlines компаниясининг сешанба куни қулаб тушган MD 82 йўловчи самолётига тегишли икки «қора қути»дан бири топилди.

Унда учувчиларнинг кабинадаги ўзаро сўзлашуви ҳамда парвоз параметрлари ёзилган бўлиши керак. Мазкур ҳалокат туфайли ҳаво кемасидаги жами 152 йўловчи ва экипажнинг 8 аъзоси ҳалок бўлганди.

ПАРВОЗЛАРГА РУХСАТ ЙЎҚ

РОССИЯ Федерацияси ҳарбий ҳаво кучлари бош қўмондони Владимир Михайлов қўшинлар таркибидаги Ми-8 вертолётлари парвозини тўхтатиб туришга қарор қилди. Мазкур қарор пайшанба куни эрталаб Хабаровск ёнида юз берган фалокат сабаблари узил-кесил аниқланмагунича кучда туриши таъкидланмоқда. Маълумки, шу куни маҳаллий вақт билан 10.30 да Хабаровскдан 40 километр наридаги ҳарбий аэродромда Ми-8 вертолёти техник носозлик туфайли қулаб тушган ва экипажнинг уч аъзоси ва бир парашютчи жароҳатланиб, шифохонага ётқизилган.

ОЛДИ ОЛИНГАН ЖИНОЯТ

ИСРОИЛнинг ЦАХАЛ бўлинмалари Умумий хавфсизлик хизмати (ШАБАК) билан ҳамкорликда бир неча террорчилик хуружининг олдини олишга муваффақ бўлди.

Ушбу хуружлар араб жангарилари томонидан Ғазо ҳудудида уюштирилиши мўлжалланганлиги аниқланди. Ҳарбийларнинг ҳамкорликдаги тезкор ҳаракатлари оқибатида яҳудийлар истиқомат жойида бомба портлатиш ниятидаги тўрт жангари ҳибсга олингани маълум қилинмоқда.

ЯНГИ ОТ ПАНД БЕРДИ

ҚЎШИҚЧИ Мадонна отдан йиқилиб, Лондондаги шифохоналардан бирида даволанаяпти.

Сешанба куни хонанда турмуш ўртоғи — режиссёр Гай Ричи ва икки фарзанди билан Лондон яқинидаги ҳовлисида ўзининг 47 ёшга тўлганини нишонлаётганди. Янги отини миниб кўришга жазм қилган Мадонна ундан йиқилиб тушиб, уч қовурғаси, ўмрови ва қўлини синдирди.

КУШАНДАНИНГ ИШТАҲАСИ ЗЎР



ИНТЕРНЕТ орқали Windows 2000 муолажа тизимини ишдан чиқарувчи Zotob номли янги компьютер вируси тармоқ бўйлаб ҳаддан зиёд тез тарқалмоқда.

У Botzor. exe номи остида Windows жилдига нусхаланиб, тизим конфигурациясини фойдаланувчи тармоққа вирусга қарши янгилик ололмайдиган қилиб ўзгартиради. Мазкур кушанданинг бир йўла турли хили хуруж қилаётгани боис, уларни кимдир бошқараяптимикан, деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

ЧАҚМОҚ БИЛАН УЧРАШУВ

АҚШнинг ҳарбий дала машқларидан қайтаётган аскарлари гуруҳи яшин зарбасига учради.

Ўз вақтида тарқалиш ва қуролсизланиш ҳақида буйруқ олган гуруҳ аъзоларидан ҳеч ким ҳалок бўлгани йўқ. Бироқ уларнинг ўн тўққизтаси мазкур ҳодисадан олган жароҳатлари туфайли бир неча кунни госпиталь чодирларида ўтказишга мажбур.

«Toshkent Regional trading» АК

ўзининг дўкон, омборлари орқали кенг ассортиментдаги «Самарқанд» чойларини пул ўтказиш ва нақд пулга сотади:

Тошкент ш. «Марказий омборхона» (Т.136-14-14)
Ангрен ш. 1-дўкон (Т. 8-266-26-158)
Оҳангарон ш. 4-дўкон (Т.8-264-56-354)
Олмалиқ ш. 22-дўкон (Т. 8-261-33-545)
Чирчиқ ш. 3-дўкон (Т. 8-271-53-073)
Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, 11-дўкон (Т. 110-94-72)
Бўка тумани, 16-дўкон (Т. 8-257-36-735)
Ўртачирчиқ тумани, Туябўғиз омборхонаси
Юқоричирчиқ тумани, 2-дўкон (Т. 8-298-32-112)

Бу ўша — ўзимизнинг чой!

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ анонс.
8.50 «Олтин мерос».
9.00 «Япония: руҳият ва макон».
9.45 ТВ анонс.
9.50 «Куйла, ёшлигим».
10.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Камалак» экрани.
11.20 Концерти.
11.40 «Буюк аждодларимиз».
12.00 -12.10 Янгиликлар.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 Янгиликлар.
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Ўйла, Изла, Топ!»
17.50 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.15 «Равнақ».
18.30 «Ниҳол – 2005» наволари.
18.45 Биржа ва банк хабарлари.
19.00 «Галатепалик авлиё». Б/ф.
19.25 «Ўзлото»
19.30 «Ахборот»
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.05 «Бир ўлка-ки...» 1-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос.
21.15 Эркин мавзу.
21.35 «Марғиёна». Б/ф. 1-қисм.
22.40 ТВ анонс.
22.45 «Федерал полиция».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР

8.50 Кўрсатувлар дастури.
8.55 Иқлим.
9.00 «Давр» ҳафта ичида.
9.30, 16.15, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
9.35 Мафтунингман, диёрим!
9.40 «Эрамиздан аввалги дунё».
10.05 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
10.10 Катта танаффус.
10.30 «Алиса кўзгу орти ўлкасида».
11.10 Менимча.
11.15 Чемпион сирлари
11.35». Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
12.45 «Кино SMS» танлови.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 Мен 14 ёшдаман.
13.15 «Даллас». Телесериал.
14.00 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
14.05 «Анпанман». Мультсериал.
14.30 «Гугуртга кетиб». Б/ф.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.10 Менимча.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» почтаси, Соглом авлод.
18.00 Мен 14 ёшдаман.
18.05 «Мультфотоша».
18.20 «Истиқлолим-истиқболим».
18.25 Ёшлар овози.
18.45 «Кино SMS» танлови.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Ҳамкор - 2005.
19.55 ТВ-адвокат.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Олис манзиллар.
20.30 «Кино SMS» танлови.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Замондошларим.
21.50 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Интерфутбол.

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Болажонлар экрани.
17.45 Т/с «Ит уяси».
18.10 Мултчархпалак.
18.30 , 20.00, 21.40, 22.20 «Пойтахт».
18.50, 22.00 «Экспресс».
19.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Сўз беринг». Ток шоу.
22.40 Б/ф «Жинжер ва Фред».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар»
9.00 Мультсериал.
9.10-9.55 «Хозяйка судьбы».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 «Мехржон».
17.50 «Проф-РИНГ».
18.40 «Саломат, бўлинг!»
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Спортимиз маликалари».
21.30 «Футбол плюс».
22.10 Оғир атлетика.

СЕШАНБА 23

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Япония: руҳият ва макон». Ҳужжатли телесериал.
9.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Санъат ғунчалари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Биржа ва банк хабарлари».
10.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳамиша навқирон қалблар».
10.35 ТВ анонс.
10.40 «Таълим: ислоҳотлар йўлида».
11.05 «Айтишув».
11.55 ТВ анонс.
12.00 Янгиликлар.
12.05 ТВ анонс.
12.10 «Остонаси тиллодан».
12.30 «Зийнат».
12.50 ТВ анонс.
12.55 «Марғиёна». Б/ф. 1-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Бир ўлка-ки...» 1-қисм.
14.40 «КиноТеатр».
15.00 «Заминдаги буюк томошалар». Ҳужжатли фильм.
15.55 ТВ анонс.
16.00 Янгиликлар (инглиз тилида)
«Болалар сайёраси»:
16.10 «Қувноқ стартлар».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 Янгиликлар.
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Бир жиноят изидан».
17.40 «Қўшиғимсан муҳаббат».
17.50 «Ақл ва идрок».
18.10 ТВ анонс.
18.15 «Буюк Амир Темур». Телевизион Б/ф. 1-қисм.
18.40 «Жаранглагин, Шарқ таронаси!» 1-қисм.
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот»
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан.
«Бир ўлка-ки...» 2-қисм.
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос.
21.15 «Эркин иқтисодиёт».
21.35 «Марғиёна». Б/ф. 2-қисм.
22.40 ТВ анонс.
22.45 «Федерал полиция». Телесериал.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР

15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.20 Олис манзиллар.
16.40 Менимча.
16.45 Замондошларим.
17.05 Дуне ва болалар.
17.45 Мен 14 ёшдаман.
17.50 Равнақ.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.30 Қўли гул уста.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Менимча.
19.50 Давр репортаж.
20.00 «JOKER» .
20.10 «Меҳр кўзда».
20.30 ТВ - адвокат.
20.35 «Кино SMS « танлови.
20.40, 21.30 Эълонлар.
20.45 «Муҳаббат можароси».
21.35 «Умр дафтари» туркумидан: Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувоқов. 1-қисм.
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 «Кино SMS» танлови.
22.50 «Эсмеральда».
23.20 - 23.25 Хайрли тун!

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Болажонлар экрани.
17.50 Т/с «Ит уяси».
18.15 «Мактабдан сўнг». Ҳужжатли фильм.
18.30, 20.00, 21.20, 22.30 «Пойтахт».
18.50, 21.00 «Экспресс».
19.10 «Солиқ ва биз».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Инсон ва қонун».
21.40 «Тошкент телевидение Ватани». Видеофильм.
22.50 Б/ф «**Қора ўқ**».
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар»
9.00 Мультсериал.
9.10-9.55 «Хозяйка судьбы». Сериал.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Теннис».
18.30 «Еврофутбол».
20.00 «Вести».
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Футбол шарҳи».
21.35 «Спорт- менинг ҳаётим».
21.50 Мини футбол. «Қучлилар кубоги».
22.25 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
23.25 «Тунингги осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 24

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Япония: руҳият ва макон». Ҳужжатли телесериал.
9.35 ТВ анонс.
9.40 «Ақл ва идрок».
10.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Буюк Амир Темур». Телевизион Б/ф. 1-қисм.
10.35 «Шашмақом сабоқлари».
10.55 «Учар табиб». Спектакль. 1-қисм.
12.00 Янгиликлар.
12.05 ТВ анонс.
12.10 «Дўстлик» тележурнали: «Ягона оилада».
12.40 «Кўнгил тароналари».
12.55 «Марғиёна». Б/ф. 2-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Бир ўлка-ки...» 2-қисм.
14.40 ТВ анонс.
14.45 «Наволарда навобахш Феруз».
15.10 «Парвоз санъати».
16.00 ТВ анонс.
16.05 1. «Ўн тўрт ёшлилар».
2. «Чек». Теленовелла.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 Янгиликлар.
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Тамаддун».
17.35 «Рангин дунё».
17.55 ТВ анонс.
18.00 «Ниҳол – 2005»
18.15 «Буюк Амир Темур». Телевизион Б/ф. 2-қисм.
18.45 «Жаранглагин , Шарқ таронаси!» 2-қисм.
19.20 «Ўзлото». Телелотерея.
19.30 «Ахборот»
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Одамлардан бири».
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос.
21.15 Эркин мавзу.
21.35 «Биринчи рицарь». Б/ф. 1-қисм.
22.35 ТВ анонс.
22.40 «Федерал полиция». Телесериал.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

ЁШЛАР

15.55 Кўрсатувлар дастури.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15, 22.35 ТВ-анонс.
16.20 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
16.40 Менимча.
16.45 «Томас Эдисон ва электр чироғи». Мультфильм.
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Кичкинтоймиз-гижингтоймиз.
17.50 Мен 14 ёшдаман.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 «Истиқлолим-истиқболим». Фототанлов.
18.20 Автопатрул.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Менимча.
19.40 Тараққиёт сари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Ишга марҳамат!
20.15 Давр мавзуси.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35 «Кино SMS» танлови.
20.40, 21.30 Эълонлар.
20.45 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.35 «Умр дафтари» туркумидан: Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувоқов. 2-қисм.
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Эсмеральда». Телесериал.
23.20 «Кино SMS» танлови.
23.25 Ринг қироллари.
0.15-0.20 Хайрли тун!

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Т/с «Ит уяси».
17.55 «Мактабдан сўнг». Ҳужжатли фильм.
18.05 «Иқтисодий тараққиёт йўлида».
18.30, 20.00, 21.20, 22.20 «Пойтахт».
18.50, 21.00 «Экспресс».
19.10 «Шаҳар қиёфаси».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.40 «Янги иқтисод».
22.40 Б/ф «Жеймс Бонд саргузаштлари». 1-2-қисмлар.
00.50-00.55 Хайрли тун, шаҳрим !

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар»
9.00 Мультсериал.
9.10 «Хозяйка судьбы». Сериал.
9.55-10.10 «Равнақ».
16.55. Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 «Шоҳрух клуби».
17.30 Мультфильм.
17.40 Аёллар футболи «Андижанка» - «Севинч».
18.25 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
20.00 «Вести».
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.30 «Баҳодирлар ўйини».
22.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.

ПАЙШАНБА 25

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Япония: руҳият ва макон».
9.35 «MAGGI»® Олтин ошхона.
10.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 2-қисм.
10.40 «Учар табиб». Спектакль. 2-қисм.
11.25 «Жавоҳир».
11.30 «Оҳанглар оғушида».
11.40 ТВ анонс.
11.45 «Умр мазмуни».
12.00 Янгиликлар.
12.05 ТВ анонс.
12.10 1. «Дурдаршан». 2. «Парле ву франсэ?»
12.50 ТВ анонс.
12.55 «Колонна». Б/ф. 1-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Тангалик болалар». Б/ф.
15.55 ТВ анонс.
16.00 Янгиликлар.
16.10 1. «Болалар дунёси».
2. «Ғаройибкентга саёҳат».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 Янгиликлар.
17.10 ТВ анонс.
17.15 «Ҳайкалтарош».
17.25 «Қишлоқ ҳаёти».
17.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
18.00 ТВ анонс.
18.05 «Сиёсат оламида».
18.25 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 3-қисм.
18.50 «Жаранглагин, Шарқ таронаси!» .
19.20 ТВ анонс.
19.25 «Ўзлото» .
19.30 «Ахборот»
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Юзма-юз».
20.20 «Олтин мерос».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин мерос».
21.15 «Иллар армони».
21.55 «Биринчи рицарь». Б/ф. 2-қисм.
23.00 «Федерал полиция».

ЁШЛАР

6.50 Кўрсатувлар дастури.
6.55 Иқлим.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55, 11.30, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
9.00 «Эсмеральда». Телесериал.
10.00 Кичкинтоймиз-гижингтоймиз.
10.20 Мен 14 ёшдаман.
10.25 Давр мавзуси.
10.40 Менимча.
10.45 Чемпион сирлари
11.10 Тараққиёт сари.
11.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.25 Ёшлар овози.
12.45 «Кино SMS» танлови.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 «Даллас».
13.50 Мен 14 ёшдаман.
13.55 «Анпанман». Мультсериал.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 Автопатрул.
16.35 Менимча.
16.40 Қўрсатувлар дастури.
16.45 Бўш ўтирма.
17.05 Мен 14 ёшдаман.
17.10 Тенгдошлар.
17.30 «Истиқлолим-истиқболим».
17.35 Ёшлар овози.
17.55 Ҳамкор-2005.
18.05 Замондошларим.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Сув-ҳаёт манбаи.
19.50 Давр репортаж.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Мезон.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35 «Кино SMS» танлови.
20.40, 21.30 Эълонлар.
20.45 «Муҳаббат можароси».
21.35 «Умр дафтари» Машарип Қувоқов.
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 «Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда».

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Т/с «Ит уяси».
17.55 «Мактабдан сўнг». Ҳужжатли фильм.
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.30, 22.10 «Пойтахт».
18.50, 21.50 «Экспресс».
19.10 «Дўгоналар».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.00 «Саодат калити».
22.30 Б/ф «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари».

СПОРТ

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Нокаут».
18.00 «Еврофутбол».
19.35 «Белбоғли кураш».
20.00 «Вести».
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Спортимиз одимлари».
21.40 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.55 Оғир атлетика.
22.55 "Кучли бешлик"

ЖУМА 26

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Сув ости тадқиқотлари».
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 Янгиликлар.
10.05 ТВ анонс.
10.10 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 3-қисм.
10.35 «Жавоҳир».
10.40 «Сиёсат оламида».
11.00 ТВ анонс.
11.05 «Юртим жамоли».
11.25 «Оҳанглар оғушида».
11.35 ТВ анонс.
11.40 «Қорақалпоқнома».
12.00 Янгиликлар.
12.05 ТВ анонс.
12.10 «Қишлоқ ҳаёти».
12.30 «Дастурхон атрофида».
12.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
12.55 «Колонна».
Б/ф. 2-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Узбегим юлдузлари»
14.45 «Орзулар камалаги».
15.55 «Ўйла, изла, топ!»
16.30 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.45 «Янги алифбони ўрганамиз».
17.00 Янгиликлар.
17.15 «Ҳаёт ва қонун» тележурнали.
17.45 «Ёшлик наволари».
18.10 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.30 «Буюк Амир Темур». Б/ф. 4-қисм.
19.00 «Муносабат».
19.25 «Ўзлото» .
19.30 «Ахборот»
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.05 «Портретга чизгилар».
20.30 «Ахборот».
21.05 Олтин мерос.
21.20 «Жаранглагин, Шарқ таронаси!»
21.40 «Нотаниш полвон». Б/ф.

ЁШЛАР

6.50 Кўрсатувлар дастури.
6.55 Иқлим.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Бўш ўтирма.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
9.00 «Эсмеральда». Телесериал.
9.30 Давр репортаж.
9.40 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
9.45 «Кичик дўстлар саргузаштлари».
10.20 Менимча.
10.25 Тенгдошлар.
10.45 Мен 14 ёшдаман.
10.50 Замондошларим.
11.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
12.00 Менимча.
12.05 Қўли гул уста.
12.25 Ёшлар овози.
12.45 «Кино SMS» танлови.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 «Даллас».
14.00 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
14.05 «Анпанман».
14.30 Тадбиркор ва қонун
14.50 «Париларнинг кузги совғаси». Б/ф.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.20 «Қовун сайли».
16.30 Менимча.
16.35 Қўрсатувлар дастури.
16.40 «Ў ким? Бу нима? Ҳайр, оромгоҳ».
17.15 Мен 14 ёшдаман.
17.20 «Сахродаги хазина».
17.30 Кафолат.
17.45 Ёшлар куйлаганда.
18.00 16 га кирмаган ким бор?
18.20 «Истиқлолим-истиқболим».
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Саломатлик йўлида.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Замондошларим.
20.30 «Кино SMS» танлови.
20.35 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси».
21.25 Давр А.
21.50 Қаҳрамонлар ёшлар ҳақида.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кинотақдим.
23.10 «Кино SMS» танлови.
23.15 «Эсмеральда».
23.45 Интерфутбол.

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Т/с «Ит уяси».
17.55 «Мактабдан сўнг».
18.10 «Иқтисодий тараққиёт йўлида».
18.30, 20.00, 22.10, 24.00 «Пойтахт».
18.50 , 21.00 «Экспресс».
19.10 «Имконият».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 Т/с «Морена Клара».
21.20 «Дорихона эшитади».
22.30 Б/ф «Товус малика».
00.20 Б/ф «Қизлар».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар»
9.00 Мультсериал.
9.10-10.40 «Хозяйка судьбы». Сериал.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 «Спорт – саломатлик гарови».
17.30 «Спорт салтанати».
17.50 «Спорт клуб». Ринг.
18.20 «Дадиллик учун соврин».
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Захирадаги спортчи».
21.35 Оғир атлетика.
22.35 "Снукер"

ШАНБА 27

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Сув ости тадқиқотлари». Ҳужжатли телесериал.
9.40 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.00 «Ўзбекистон – Ватаним маним».
10.40 «Буюк Амир Темур». Телевизион Б/ф. 4-қисм.
11.05 ТВ анонс.
11.10 «Ўзбекистон – Ватаним маним».
11.50 «Оналар мактаби».
12.10 ТВ анонс.
12.151. «Бизнен мирас». 2. «Истоки».
12.45 «Олтин тож».
13.20 «Ҳеч ҳам қўрқмаймиз». Мульттўплам.
13.50 «Оҳанглар оғушида».
14.00 Янгиликлар.
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Жаҳон цирки».
15.40 Спорт янгиликлари.
15.55 «Учрашув». Б/ф.
17.00 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 «Танаффус».
17.25 «Бизнес ҳафта».
17.35 «Жаранглагин, Шарқ таронаси!»
17.55 «Оддий ҳақиқатлар».
18.35 «Буюк Амир Темур». Телевизион Б/ф. 5-қисм.
19.05 ТВ анонс.
19.10 «Ёшлик наволари».
19.25 «Ўзлото»
19.30 «Ахборот»
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 «Ҳаёт давом этади».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.
22.35 «Киноафиша».
22.55 «Шерюрак». Б/ф. 1-қисм.

ЁШЛАР

6.50 Кўрсатувлар дастури.
6.55 Иқлим.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 У ким? Бу нима?
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 «Ғаройиб саёҳат».
9.05 «Эсмеральда».
9.35 Табобат оламида.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Мен 14 ёшдаман.
11.05 Давр А.
11.30, 19.35, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
11.35 «Шарқ тароналари»
11.55 Менимча.
12.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.45 «Ез нафаси».
12.55 «Кино SMS» танлови.
13.00 Давр.
13.10 «Икки соҳил». Б/ф.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.15 Замондошларим.
16.35 Қўрсатувлар дастури.
16.40 Кичкинтой театри.
17.00 «Кузя учун уй». Мультфильм.
17.20 Бола тилидан.
17.50 «Кино SMS» танлови.
17.55 «Маҳобҳорат».
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Мен 14 ёшдаман.
19.45 Замондошларим.
20.05 Сув-ҳаёт манбаи.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Менимча.
20.25 Кутилмаган меҳмон.
20.50 «Кино SMS» танлови.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.50 Мумтоз наволар.
22.00 Давр.
22.40 Мафтунингман, диёрим!
22.45 Спорт антологияси.
22.50 Кулгич.
23.00 «Бахт қуши». Б/ф.
0.20-0.25 Хайрли тун!

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Болалар учун фильм. «Азиз».
18.30, 20.00, 22.00, 23.20 «Пойтахт».
18.50 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
19.10, 21.00 «Экспресс».
19.30 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.20 12 қардош «Масси» циркининг томошаси. 1-қисм.
21.20 «Биргаликда куйлаймиз».
22.20 12 қардош «Масси» циркининг томошаси. 2-қисм.
23.00 «Ёшлар даврасида».
23.40 Б/ф «Севги ҳақида афсона». 1-қисм.
00.45-00.50 Хайрли тун, шаҳрим !

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар»
9.00-9.45 «В поисках приключений».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 «Болалар спорти».
17.35 «Нокаут».
18.05 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.20 «Стать ближе».
19.00 «Шарқ тароналари».
20.30 «Вести».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Спортимиз одимлари».
21.40 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
22.40 Футбол. Узбекистон чемпионати «Пахтакор» - «Нефтчи».

ЯКШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН 1TV

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Камалак» экрани:
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.10 «Буюк Амир Темур». Телевизион Б/ф. 5-қисм.
11.40 «Бу турфа олам».
12.10 «Дўстлик» тележурнали: 1. «Ҳамкорлик ришталари». 2. «Дидар».
12.40». Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.
14.10 «Ҳаёт давом этади».
14.30 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
15.30 «Киноафиша».
15.50 «Ўтган кунлар». Б/ф.
«Болалар сайёраси» :
17.20 «Олтин тож».
18.00 ТВ анонс.
18.05 «Одами эрсанг...».
18.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Портрет».
18.30 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.55 «Буюк Амир Темур». Телевизион Б/ф. 6-қисм.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома»
20.05 «Шарқ тароналари» фестивал кундалиги
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 ТВ анонс.
21.20 «Меҳр кўзда». Сурхондарёда.
22.10 «Айтишув».
23.00 «Шерюрак». Б/ф. 2-қисм.

ЁШЛАР

6.50 Кўрсатувлар дастури.
6.55 Иқлим.
7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг».
8.30 Кичкинтой театри.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55, 19.30 ТВ -анонс.
9.00 «Яшил водий сари».
10.00 Мен 14 ёшдаман.
10.05 Кулгич.
10.15 Саломатлик сирлари.
10.35 «Учинчи сайёра»
11.25 Ёшлик наволари.
11.35 «Кино SMS» танлови.
11.40 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.25 Менимча.
12.30 «Қилни қирқ ёриб».
13.20 Кинотақдим.
13.40 «Кино SMS» танлови.
13.45 «Тоғлик куёв». Б/ф.
15.15 Мен 14 ёшдаман.
15.20 Чемпион сирлари.
15.40 Ринг қироллари.
16.30 Менимча.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
17.00 Спорт маликаси.
17.10 Мен 14 ёшдаман.
17.15 «Эрамиздан аввалги дунё».
17.40 Хуш келибсиз!
18.00 «Кино SMS» танлови.
18.05 «Маҳобҳорат».
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Сув - ҳаёт манбаи.
19.40 Дилноза Исмияминова куйлайди.
20.00, 20.50 Эълонлар.
20.05 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
20.55 Спорт антологияси.
21.00 «Кино SMS» якуни. Б/ф.
23.15-23.20 Хайрли тун!

ТОШКЕНТ tv

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.15 «Миттивойлар мактаби».
19.40, 21.30 «Экспресс».
20.00 «Пойтахт плюс».
20.20 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.50 «Нима учун?»
21.50 «Шахрисабз». Телевизион фильм.
22.10 «Туризм ҳақида».
22.40 «Тенгдошлар».
23.10 «Жаконда». Ҳужжатли фильм.
24.0 Б/ф «Севги ҳақида афсона» 2-қисм.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Хабарлар»
9.00 «Соглом овқатланиш сирлари».
9.10 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.10 «Қувноқ стартлар».
10.40-10.55 «Рақибингиз гроссмейстер».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар»
17.15 Е. Исинбаева: «Рекордларим – мухлисларим учун».
17.45 «Проф-РИНГ».
18.35 «Мир авиации».
18.55 «Шарқ - яккакурашлари ва жанг санъати».
19.35 «Тайм аут».
20.00 «Вести недели».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Спорт- менинг ҳаётим».
21.30 Футбол. «Трактор» - «Машъал».
22.20 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.

«ПАХТА-БАНК»
МИЖОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мижозлар манфаатларини ҳимоялаш ҳамда накд пул бериш бўйича банк хизматларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПК-147 сонли қарорига м

БАҲРАЙНГА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

мажбур қилди. Бу гол туфайли терма жамоамиз вакиллари руҳан тушкунликка тушиб, ўйин тизгинини рақибларга топшириб қўйдилар. Натижада мухлислар кутилмаган бу голни ҳали ҳазм қилиб бўлмасларидан таблодаги «1» рақами «2» билан алмашди.

Иккинчи тўп киритилганидан кейин нафақат футболчиларимиз, балки барча ўзбек томошабинлари ҳам руҳан тушкунликка туша бошладилар. Ахир мақсадга эришиш учун энди қувайтликлар дарвозасига бир эмас, икки эмас, учта тўп киритилиши лозим эди-да. Бу вақтда эса рақибларимиз майдонда эркин ҳаракат қилар, гўёки ғалабани таъминлаб қўйгандек эдилар. Биринчи бўлимнинг охирида футболчиларимиз анча ўзларига келиб, мақсад сари интила бошладилар. Ва ниҳоят, Александр Гейнрихнинг ҳаракатлари зое кетмади. У ишлаб берган 11 метрли жарима тўпи туфайли ҳисобдаги фарқ қисқарди. Шундан сўнг чарм тўпчиларимиз вазиятни яна ўз томонларига оғдира олдилар.

Иккинчи бўлим тўлиқ ҳамюртларимиз устунлигида ўтиб, «Энг яхши ҳимоя — ҳужум» деган ибора яна бир бор ўз тасдиғини топди. Терма жамоамизнинг кетма-кет ҳужумига қувайтликлар муносиб жавоб қайтара олмадилар. А. Гейнрих ўрнига Анвар Солиев тушгани, ўйини унча қовушмаётган чап қанот ярим ҳимоячиси Ф. Давлетов М. Бекмаев билан алмаштирилганидан сўнг терма жамоамиз «тўлиқ ишга тушган» ҳолда ҳаракат қила бошлади.

Мана шу ҳаракатлар туфайли 61-дақиқада ҳисоб тенглашди. Энди биз ғалаба қилишимизга асло шубҳа қолмаган эди. Чунки, иккинчи голдан кейин футболчиларимиз янада фаолроқ ҳаракат қилар, аниқ режали ҳужумлар уюштирар эдилар. Англиялик мураббий ўйинчиларни алмаштириш масаласида тўғри қарор қабул қилган эди. Бу сафар ҳам А. Солиев бурчақдан узатилган тўпни дарвозага йўллаб, Қувайт термасини плей-оф баҳсларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Мана шу гол таблога 3 рақамини ўзгармас қилиб михлади ва барча ўзбек футбол мухлисларига олам-олам қувонч ҳадя этди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«А» Гуруҳдаги якуний кўриниш қуйидагича:

Жамоалар	Ў	Ю	М	Д	Т-Н	О
Саудия Арабистони	6	4	0	2	10-1	14
Жанубий Корея	6	3	2	1	9-5	10
Ўзбекистон	6	1	3	2	6-12	5
Қувайт	6	1	4	1	6-12	4

Учрашув сўнгида терма жамоамиз вакили ва мухлислардан бирини суҳбатга чорладик:

Миржалол ҚОСИМОВ:

— Бизнинг бу ютуғимиз тасодиф эмас. Чунки, майдонга фақат ғалаба учун тушгандик. Қолаверса, «охирги имкониятдан фойдалана олмасак, халқимиз бизни кечирмайди» деган ўй ҳар биримизнинг кўнглимизда алангаланиб турди. Шунингдек, ўзингиз кўрдингиз, араб футболининг ўзига хос салбий томонлари бор. Ўйинда ютишаётган бўлса, вақтни чўзиш орқали рақибларининг руҳига таъсир этадилар. Учрашувни бой бераётганларида эса, ўта қўпол ҳаракат қилиб, ўйинчиларнинг асабига тегишга уринадилар. Бу ўйинда ҳам мана шундай вазиятлар вужудга келиши аниқ эди. Шунинг учун ҳам жамоа сардори сифатида сафдошларимга учрашув охиригача далда беришга ҳаракат қилдим.

Саидаҳмад ХЎЖАЕВ, футбол ишқибози, Зангиота тумани:

— Очиғини айтсам, ҳисоб 0:2 бўлганда, ўйингоҳдан чиқиб кетишга аҳд қилдим. Чунки, севимли жамоамнинг шода-шода голларини томоша қилгани келган эдим-да. Ғалабамизга шубҳам йўқ эди. Ўрнимдан аста туриб юра бошлаганимда қандайдир куч мени тўхтатди. Шундан сўнг кетма-кет голларнинг гувоҳи бўлдим, ниятим рўёбга чиқди.

Баҳрайн билан бўладиган учрашувда терма жамоамизга фақат ҳужумкор ўйин тилаб қоламан. Боиси, ҳужумкор ўйин намойиш этган жамоалар 99 фоиз кафолат бераман, мағлуб бўлмаганлар. Мен бунга йигирма йил футбол ўйинларини кузатиш жараёнида амин бўлганман. Футболчиларимиз ҳужумкор ўйинни давом эттиришса, «Германия — 2006» иштирокчиси бўлишлари шубҳасиздир.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мозийдан садо



СОҲИБҚИРОННИНГ ҒАЛАБАСИ

Амир Темур Ҳиндистонни забт этиш учун узоқ вақт ҳозирлик кўрди. Жанглар беомон бўлишини соҳибқирон биларди. Хусусан уни ҳиндларнинг мухораба учун қасддан ўргатилган жанговар филлари кўп ўйлантирарди. Қотма, қорамағиз, чайир ҳинд аскарлари қошида филлар қудратли қурол эди. Аслан ювош ва меҳнаткаш бу жониворлар махсус тайёргарликдан сўнг девдек қутуриб кетар, уларнинг совут қопланган бақувват таналарига на камон ўқию на чопқи кор қиларди.

Соҳибқирон шуларни ўйлаб, чодирида хаёл суриб ўтирарди. Изн сўраб, баҳодир саркардаларидан бири кирди. У ўртароққа бориб юкинди:

— Онҳазрат, ботир лашкарингиз ёғий устига ҳамла этмакка тайёр. Жанобимизнинг бир оғиз амрларига мунтазирдирлар.

Амир Темур саркардани имлаб ёнига чорлади:

— Бу ёққа келинг, баҳодир. Гап бор.

Саркарда сергак тортиб, соҳибқиронга ёвукроқ борди. Чўккалаб амирининг оғзига тикилди.

— Гап шуки, мени ҳиндларнинг ўзлари эмас, урушқоқ филлари безовта қиладир, — деди Амир Темур салмоқлаб, — у бадбахт ҳайвонларга қарши турадиргон бир тадбир топмасак бўлмас. Ёғийни лашкар қудрати била маҳв этиш мумкин. Илло, йигитларимизнинг уволига қолғаймиз. Аввало ақл-заковатни ишлатайлик. Андин сўнг, қуролга таянгаймиз.

Саркарда «Орий рост, ҳазратим, давлатпаноҳимизнинг бу русуми, бизларга ҳамиша музаффарият келтирган» — деб таъзим қилди.

— Лашкаргоҳга етказингки, яроғларини шай қилиб, бизнинг фармонимизни кутсинлар.

Саркарда бош эгди ва тисарилиб чиқиб кетди.

Амир Темур ёлғиз қолиб, тағин ўйга толди. Ва ниҳоят, ўнг тарафига қўл чўзиб, заррин муқовали Қуръони Каримни олди. «Ё Раббим!» дея бир варақни очди. «Оллоҳ суйган бандаларининг мушкулини осон қилғай» маъносида бир оят юз кўрсатди. Соҳибқирон оятни пичирлаб қайта ўқир экан, Яратганга ҳамду санолар айтди.

Ўша куни тушида оқ туя кўрди. Оқ либосли, оқ соқолли бир қария туяни етаклаб келиб, бурундуқни Амир Темурга тутқазди. «Бу сенинг халоскорингдир!» деди у. Соҳибқирон қариянинг Ҳизр алайҳиссалом эканлигини англаб, Тангрига шукрона келтирди.

Бирдан кўнгли ёришди. Фикри тиниқлашди. Соҳиби давронга гўё ғайб оламидан ваҳий нозил бўлаётгандек эди. «Эй, толе юлдузининг соҳиби! Лак-лак туя ғамлагин! У одамхўр филларга саксовул ортилган туялар бас келгай. Жангни кечаси бошла... ўт қала...»

Темур ўткир заковати ила ишорати ғайбни фаҳмлаб етди. Дарҳол қўшинбошиларни чорлади. Қарорини маълум қилди. Минглаб суворийлар Қорақум билан Қизилқумга туя подаларини ҳайдаб келгани жўнатилди.

Бир ҳафта ичида лашкаргоҳ атрофига минглаб нортуялар йиғиб келинди. Ҳар туянинг устига катта сандиқдай қилиб қуруқ саксовул ортилган эди.

Аввалдан келишилган режага кўра, Темурбек қўшинлари бир-икки кун ҳиндлар билан номига жангга кирдилар. Турк аскарларининг шижоати йўқлигини кўриб, ҳиндлар кибрга берилдилар.

Соҳибқирон вазият етилганини билди ва жанг бошлашга фармон берди. Номози шомни адо этиб, барча юзига фотиҳа тортди. Дабллар, ноғоралар садоси остида ҳариф тарафга от қўйдилар. Жанг етти хуфтонгача давом этди. Темур аскарларининг қўли баланд келаётганини кўрган ҳинд қўмондони жанговар филларини ишга солди. Том баравар келадиган юзлаб филлар наъра тортиб Темурбек лашкари томон ташланди. Жанг олдидан аллақандай дори ичирилган бу баҳайбат махлуқлар Темурбек қўшинининг илғор қисмидаги анча-мунча одамнинг бошига етди.

Соҳибқирон сарбонларга «туяларни жанг майдонига ҳайданг!» дея амр қилди. Оловбардорлар меш-меш ер мойи (нефть) келтириб туялар устидаги саксовулга сепдилар ва дарҳол ўт қўйдилар. Хаш-паш дегунча минглаб туялар ўркачидан олов пуркаб уруш майдонига қараб лўкиллади. Шу пайт мўъжиза рўй берди. Бало-қазодай туркий лашкар устига бостириб келаётган филлар таққа тўхтади. Сўнгра рўпарасида лопиллаб турган тирик машъалаларни кўриб, ортларига тисарилди. Гумбаздай-гумбаздай олов хирмонлари тобора филларга яқинлаб келар, туяларнинг устидан тўрт тарафга отилаётган гулхан парчалари наинки жанговар филларнинг, ҳатто, ҳинд аскарларининг ҳам ўтакасини ёрарди.

Ўркачларига олов-аланга ортмоқлаган туялар адади зиёда бўлиб, бир неча мингтага етганда филлар хартумларини кўкка чўзиб, даҳшатли ўқирди ва... чўрт бурилиб, орқага қараб қочди. Энди ҳиндлар ўзлари жангга ўргатган филларининг аёвсиз товонлари остида эзилиб, майиб-мажруҳ бўлар, аксарияти бу дунё билан видолашар эди...

Тонгга яқин соҳибқирон жангни тўхтатди. Ҳиндлар мағлуб бўлган эди.

Хотима ўрнида шуни айтиш мумкинки, буюк жаҳонгирнинг бу кашфиёти ХХ аср жанггоҳларида ҳам қўл келди — Оврупа ва Русиянинг ҳарбийлари Темур бобонинг мазкур тадбирини замонавий қуролларга мослаб ишлатдилар.

Саъдулла СИЁЕВ.

Фельетон

АСОМ ҒАДАНГ ИНДАМАДИ

Қуёш айни тиғига келган пайт. Гузар майдонида ҳаракат сусайган. Теша сартарош ҳам дераза пардасини туширириб, пинакка кетган. Алим қассоб қазноққа илган нимталар теварагида ғужғон ўйнаётган арилар ҳам сийраклашиб, қолганлари ҳолсизгина ғинғиллайди.

Чойхонада давра қуриб ўтирган уч-тўрт чойхўрдан бўлак ҳеч ким йўқ. Салим чойхоначи, ҳозиргина уларнинг чойини янгилаб, мизғигани хосхонасига кириб кетди. Чойхўрлар даврасидан ҳам садо чиқмайди.

Шу пайт майдонга автобус кириб келди-ю, мудроқ чойхўрлар кўзларини очишди. Автобусдан Асом ғаданг биринчи бўлиб чиқди. Улфатларига кўзи тушди шекилли, чойхона томон юрди. У индамайгина сўрашиб ўтирди. Ҳаким новча узатган чойни бир ҳўплашда ичиб, пиёлани чаққонгина қайтарди.

— Темирга сув бергандек бўлди-да чойинг, Ҳакимжон, — деб қўйди яна узатилган пиёлани чаққон олатуриб. — Бирор ҳаракатларинг борми?

— Салим қозон осган, шўрва қайнаяпти, — деди Ғаданг ўнг ёнида икки ёстиқни қўлтиғига бостириб, ним ёнбошлаган Ғози учар.

Учар даврага яқинда қўшилган, қайси бир солиқ идорасида ишларди, пора билан қўлга тушиб, авахтага тушишга бир баҳя қолди. Яхшиямки, катталари инсофли экан, тергов-перговни йиғиштириб, кавушини тўғрилаб қўяқолишди.

— Одам боласи нафс балосига рўбарў бўлмасинда, — деб қўйди Ғаданг тўсатдан. — Домига олса, ютмай қўймас экан.

Даврадагилар ҳайрон бўлиб тикилиб қолишди. Саҳармардондан буён Асом ўзи қаёқдайди? Ҳатто, уч-тўрт эшик нари қўшниси Убайдулла бойваччанинг соат ўн бирдаги мздиҳомида ҳам бўлмади.

— Бир жияним бўларди, — деди Асом ғаданг улфатлари миясида ғужғон ўйнаётган саволларни илғагандек. — Хизмати мелисада эди. Кейинги пайтларда тўй-маъракаларда ўзини андек бошқачароқ тутадиган бўлиб қолганди. Унча-мунчани писанд қилмай қўйганди. Икки-уч дакки бердим, лекин гапни ўзига олмади.

— Нима бўпти? — сўради Новча чой узатаётиб.

— Нима бўларди, суд бўлди, олти ойга кесилди. Ўтириб ҳам чиқди. Шу кеча опам тушимга кирдилар, туслари мендан хафароқдек кўринди, уйқум қочди. Ўйласам, жиянидан хабар олмай қўйган эканман. Шуни кўриб келгани тонг саҳарлаб кетгандим.

Шундай деди-да, Ғаданг чойдан қисқа-қисқа хўплай бошлади. Охири улфатларининг қитиқ патини босиб қўйиш учун изоҳ берган бўлди:

— Ишингни судда гаплашиб бераман деб, бир кишидан 300 доллар олаётганида қўлга тушган эди, қизиталоқ...

— Қизиқ, — деди рўпарада ўтирган Ҳалим пайров. — Менинг ҳам бир жияним бор, тадбиркорлик билан шуғулланарди. Эътиборсизликми ёки уқувсизликми, солиқ билан боғлиқ ишида чалкашлик чиқибди. Материалларни ўз қўлига олган Зангиота тумани солиқ идораси бошлиғининг ўринбосари Дўстмуҳамедов уни обдон овора қилди. Жиян ҳам бўйнига ип боғланган мулладек бўлиб қолди. Суроби обдон тўғри бўлди. Охири дўстидан солиқ амалдори билан «гаплашиб» кўришни илтимос қилган экан, 800 доллар берса, иқтисодий жарима қўлламайман, ишини тинчитиб юбораман, дебди. Хамир учидан патир дея, 300 минг сўмни узатаётганида амалдорни қўлга олишибди.

— Хабарингиз бор, ёзнинг бошларида Бўкага тўйга борган эдим, — суҳбат жиловини қўлга олди Омонтилла. — У ерда ҳам солиқ идораси бошлиғининг ўринбосари Абдуллаев деганни пора олиш чоғида «олишипти». Қарангки, бир аёл тадбиркорнинг ҳуқуқбузарлигини рўзномага ёритмаслик эвазига 150 минг сўм сўраган экан...

— Э, нимасини айтасиз, — деб қўйди Ғаданг. — Бир нима ундириш илинжида қандай қинғирликлар ўйлаб топишмайди бу муттаҳамлар. Жиғилдон дарди ёмон экан.

— Ҳаммада бир жиғилдон бўлади, бир бурда нон, бир пиёла чой...

Боядан буён жимгина ўтирган Ғойиббува энди гап бошлаган эди, Омонтилла чўрт кесди:

— Бе, уларда бир эмас, уч-тўрт эмас, ўн жиғилдон бор, чамамда. Бамисоли ўпқон деяверинг.

— Ўпқон бўлмаса, шунчалар ўпиради, шунчалар ютадими? — Асом ғаданг кўзлари билан чойхоначини излай бошлади. — Янгийўл туманида солиқ идораси бошлиғи Шодиев, сиз айтган ўша Зангиота солиқ идорасининг бўлим бошлиғи Хўжамуродов, Қибрайда — Аҳроров деганлари ҳам хусусий тадбиркорлардан пора олишаётганда қўлга тушишгани-чи? Олдинига порахўр одамлар ҳақини ўпқондек ютади, порахўрлик авж олаола, порахўрларнинг ўзини ўпқонсифат ютади. Нима бўларди, охири шу-да. Чайна, чайна, тер тўкиб топганингни чайна, баччағар!

Асом ғаданг қизишиб бораётганини, гап айланиб, ўзига ҳам «теша тегиб» кетишини сезиб ўтирган Ғози учар аллақачон сўридан тушиб, ҳовлига чиқиб олганини даврадагилар пайқамай қолишди. Шу пайт Салим чойхоначи хосхонасидан чиқиб келди:

— Нима дейсизлар, шўрвани сузаверайми?

— Сўраб ўтирма, сузавер, — деди Ғаданг ва ёнбоши бўшаб қолганини сезиб, ҳайрон бўлди. — Учар қани?

— Учар учиб кетди, мулла Асом, — Ғойиббува мийиғида кулиб қўйди. — Шоҳига шамол тегса, илдизи зириллайди, деб шуни айтишади, билсангиз.

Асом ғаданг индамади.

Юсуф ЖУМАЕВ.

«НЕКСИЯ» ЯНА БИРИНЧИ

«Нексия»нинг биринчиликни қўлдан бермай келаётгани барчани ҳайратга солмоқда». «Кўплаб россияликлар ўзбек автомобилларини харид қилишни афзал билишмоқда». «Матиз»нинг харидорлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетиши унинг энг кўп сотилаётган автомобиллар орасида олтинчи ўринни муқим эгаллаб туришини таъминламоқда». «Бошқа автомобиль компаниялари, ҳар қанча уринмасин, харидорларни Ўзбекистон автомобилсозларидан ўзига оғдириб ололмай доғда қоляпти».

Бу эътирофлар Россия оммавий ахборот воситаларидан олинган. Уларнинг қайд этишича, Россияда 2005 йилнинг биринчи ярмида энг кўп сотилган хориж автомобиллари орасида «Нексия» яна биринчи ўринни олган. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида янги автомобиль харид қилган 19564 россиялик харидор жаҳонга машҳур талай компаниялар маҳсулотларини эмас, айнан ўзбек «Нексия»сини афзал кўрган. Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг яна бир маҳсулоти — «Матиз» эса россияликлар энг кўп харид қилган олти хорижий автомобилнинг бири бўлди. 2005 йил бошидан буён «Матиз» сотиб олган россияликлар сони 9332 нафарга кўпайди.

Эслатиб ўтмоқ жоизки, жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам Россияда энг кўп — 15199 дона автомобиль сотган хориж компанияси «ЎзДЭУавто» бўлган эди. Бу ўтган йилнинг айни даврида Россияга экспорт қилган автомобилларимиздан қарийб 150 фоиз кўп демакдир.

ЎзА.

Сўраган экансиз

Халқимиз орасида «Хонаки мушук ҳар қандай шароитда ҳам ўзини парваришлаган инсон уйини топиб келади», деган гап юради. Бу сўзларда жон борми?

Лобар ХЎЖАЕВА, уй бекаси.

МУШУК уйга йўл топа оладими?

Мушуксимонлар оиласига мансуб жониворлар ҳақида жуда кўп антиқа миш-мишлар эшитиш мумкин. Масалан, мушукни ҳар қандай баландликдан ташлаб юборсангиз ҳам, у албатта ерга панжалари билан тушади, нотаниш жойга элтиб қўйсангиз, бир оз муддатдан сўнг барибир уйга йўл топиб келади ва ҳоказо. Ҳафсалангизни пир қилмоқчи эмасмиз-у, лекин, мушук эгаларига қанчалик вафодор бўлмасин, унинг ҳар қандай шароитда ўзи улғайган жойга қайтариб келадиган алоҳида ноёб сезгиси йўқ.

Бу жонзотлар орасида саргузаштлари билан донг таратганлари ҳам бор, албатта. Масалан, Уралдаги бутун дунёга довруғи кетган Чапа лақабли мушукни олайлик. Эгалари Вольск шаҳрига олиб кетишганида, у ҳеч иккиланмай бир ярим минг километр йўл босиб, Екатеринбургдаги қадрдон гўшасига қайтиб келишга муваффақ бўлган. Франциядаги Мумусса лақабли мушук ҳам анча машҳур. У меҳрибон хўжасининг оёқларига суйканиш учун етти ой мобайнида етти юз километр масофани босиб ўтган. Соҳиблари негадир Ослодан Норвегиянинг олис шимолига жўнатиб юборган ёқимтой Лизи эса, олти юз чақиримдан зиёд йўл юриб келиб, инсон зотининг бевафолигидан нолигандек, уйи деворлари олдида шикоятомуз миёвлашга тушган. Эгалари истиқомат қиладиган гўшага етиб келиш учун тўрт юз километрга яқин йўлни писанд қилмаган австралиялик Тимми ҳам озмунча хавф-хатарга дучор бўлмагандир.

Умуман, ўзи ардоқланган масканга қайтиш учун мушуклар мисли кўрилмаган саёҳатларни бошидан ўтказишига тарихда мисоллар кўп. Баъзилари юзлаб чақиримдан, айримлари қўшни қишлоқдан қадрдон гўшасини топиб келган. Шундайликка шундайку-я лекин... Турли мамлакатлар олимлари ўтказган кўплаб тажрибалар туфайли аллақачоноқ астойдил бир фикрга келинган: ажиб мўйловли ёқимтой бу жонзотларнинг нотаниш ва узоқ жойлардан йўл топиб, уйга қайтиб келиши қоида ёки қонуният эмас, балки шунчаки фавқулоддаги ҳодиса, тасодифдир.

Одамлар ишониб қолган афсоналарни чиппакка чиқариш учун баъзи далилларни келтириб ўтиш ўринли. Мутахассислар уйда эркалаб ўстирилган йигирмата хонаки мушукни олиб, бўйнига радиомаёқ илинган ҳолда, олислиги улар ўрганган манзилдан ўн икки километрдан ошмайдиган жойга олиб бориб қўйиб юборишган. Тасмалар тажриба тугагач, жониворларни тез топиб, эгаларига қайтариш учун зарур эди. Хуллас, йигирмата мушукдан фақат биттасигина уйини топиб кела олган. Тўғрироғи, у бечора ҳам уйга етиб келолмаган-у ҳар қалай йўналишни тўғри танлай билган. Унинг бошқа жинсдошлари эса саросимага тушиб, ўзларини у ёқдан-бу ёққа уришдан ўзга нарсага ярамаганлар.

Яна бир тафсилот: америкалик тадқиқотчилар ўнта мушукни уйидан атиги беш километр нарига элтиб қўйишди. Бунинг натижаси ҳам ижобий бўлмади. Ўзи суйган масканга уларнинг фақат бештасигина ҳолдан тойган ҳолда, базўр етиб келди.

Гапнинг лўндаси, паноҳингизга олган бу жонзотлар асабини қақшатиб, уларни қийнаманг. Тўғри, Сиздан озгина бўлса-да меҳр кўрган бу митти жониворларни қаерга элтманг, мурувватингизни қўмсаб, уй томон интиладилар. Аммо тажрибаларнинг далолат беришича, улар одатда ортга йўл тополмайдилар. Агар «саёҳатчи» мушук ўзининг олисдаги қариндоши — Чапа каби қандайдир мўъжиза билан ҳузурингизга қайтган ҳолда ҳам аввалги эркаланувчи беозор арзандангиз бўлолмайди, у бундан буён асабларига путур етган ҳуркак ҳайвондир. Сиз суйган Мош энди минг эркаланг барибир аввалгидек беташвиш, хотиржам, қувноқ ҳаётга қайтиши амри маҳол.

1993 йил 27 февралда Ёлкина Лидия Алексеевна номига берилган 10-02/115-19 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туманидаги 263-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Рыхлов Алексей Игоревич номига берилган O'R-E 083488 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги 257-ўрта мактабга 2000 йил 2 августда берилган 39648 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод тумани ИИБ томонидан 2004 йилда «IBROHIM-IMPEX» масъулияти чекланган жамиятига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие «VIKTORIYA INFINITI» Мирзо Улугбекского района г. Ташкента реорганизуется в ООО «VIKTORIYA INFINITI».

Претензии принимаются в течении одного месяца со дня публикации объявления по адресу: ул. Х. Абдуллаева, д. 51, кв. 26-17.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-745. Адади 2684. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5 6